Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи: 3 сўм.

1992 йил 16 сентябрь, чоршанба № 182 (21.280).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган куннинг бир йиллиги муносабати билан Сиз жаноби олийларига ва Сиз орқали ўзбек халқига қизғин байрам қутловларимизни йўллайман.

Хитой халқи билан ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик томирлари қадим ўтмишга бориб тақалади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар янги ривожланиш босқичига кўтарилди, бу эса иккала мамлакатимиз халқларининг эзгу орзу-умидларига ва туб манфаатларига мос бўлиб тушади.

Халқларимиз ўртасидаги, Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари кун сайин ривожланаверишига тилакдошман.

Хитой Халқ Республикасининг Раиси Ян Шан Кунь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА ТОШКЕНТ

Бирлашган Араб Амирликларининг халқи ва ҳукумати, шу жумладан мен ҳам мамлакатингизнинг Мустақиллик куни бир йиллиги муносабати билан энг яхши табриклар ва самимий қутловлар йўллаймиз. Сиз, жаноби олийларига бахт-саодат ва дўст Ўзбекистон халқига бундан буён тараққиёт тилаймиз. Доимий мададкорлигимиз изҳорини қабул этгайсиз.

Зайёд Бин Султон ал МАХАЙЯН, Бирлашган Араб Амирликларининг Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент!

Ўз ҳуқуматим ва Испания халқи билан биргаликда мамлакатингиз мустақиллигининг бир йиллиги байрами муносабати билан Сизга ғоят самимий қутловларимни изҳор этмоқчиман.

Жаноби олийлари, яна бир бор шахсий бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилаб билдирган энг яхши истакларимни қабул қилгайсиз.

Зўр миннатдорлик ва эҳтиром билан

Испания қироли Хуан КАРЛОС

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА ТОШКЕНТ

Мамлакатингиз Мустақиллиги кунининг бир йиллиги муносабати билан Сиз, жаноби олийларига самимий қутлов йўллаш менга мамнуният бахш этади. Сиз, жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва дўст Ўзбекистон халқига эсон-омонлик тилайман.

Мақсум бин Рашид ал МАҚСУМ, Бирлашган Араб Амирликлари Вице-Президенти ва Бош вазири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Бразилия ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан самимий қутловларимизни, Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилаб билдирган энг яхши истакларимизни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Бразилия Федератив Республикасининг Президенти Фернандо КОЛЛОР.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ МЎЪТАБАР ВА МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум, муҳтарам Президент жаноблари! «Табани» фирмаси (Покистон) ходимлари номидан Сиз, жаноби олийлари ва ўзбек халқини мустақиллик куни билан астойдил табриклайман ва қардош Ўзбекистон халқига тинчлик ҳамда равнақ тилайман. Сиз танлаб олган йўл халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик учун янги уфқлар очишига ишончим комил.

Маҳаммад АББОСХОН, «Табани корпорейшн» фирмаси Ўрта Осиё бўлимининг бошқарувчиси.

Муҳтарам президент!

Ўзбекистон Республикаси мустақил истиқлол республика сифатида ҳаётининг иккинчи йилига қадам қўйиши муносабати билан самимий қутловларимизни қабул этгайсиз ва халқингизга етказгайсиз. Биз, рус дўтларингиз республика бу байрамни барқарор ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол вазиятида кутиб олаётганидан ҳурсандмиз. Жиззах вилояти билан Ярославль вилояти ўртасида амалий алоқалар ўрнатилганлиги анъанавий яхши муносабатларимизнинг давомидир. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқларига эзгулик, осойишталик ва тараққиёт ёр бўлсин, деган дўстона тилакларимизни қабул этгайсиз.

Ярославль вилояти маъмуриятининг бошлиғи ЛИСИЦИН.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич! Менинг фарзандларим, невараларим серқуёш Ўзбекистонда туғилган. Шу ерда ўқишган, республиканинг барча халқи қатори умумий фаровонлик йўлида меҳнат қилишяпти. Ўз номимдан ва ворисларим номидан Сизни, Ўзбекистон халқини мустақиллик куни билан самимий табриклайман.

Сизга сиҳат-саломатлик, сермашаққат президентлик фаолиятингизда муваффақият тилайман.

Ал. КУЛЬКОВ, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

ТЎҚСОН ФОИЗИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИЛАДИ

● Қўриқ Баҳористон райони пахтазорларида оппоқ чаноқлар кўзга ташланиб қолди. Айни пайтда машина теримига ажратилган пайкалларда ғўза баргини сунъий тўктиришга киришилди.

«Ўзбекистон» давлат хўжалигининг Тонготар Авазов бошлиқ бригадаси аъзолари 20 гектар ерда пахта етиштиряпти. Ҳосилнинг ҳаммасини «зангори кемалар» билан териш мўлжалланган. Азамат заршунослар эрта баҳордан бери баракали меҳнат қилиб, яхшигина ҳосил тўпладилар. Ғўза барги ер аппарати билан сунъий тўктирилди.

— Ғўзани ер аппарати билан дефолиация қилиш ҳам арзон, ҳам қулай, — дейди район ҳокими Ё. Сафаров. — Энг муҳими, самолётга қараганда аҳоли учун ҳавфсиз. Мавжуд 11,5 минг гектар ернинг 4 минг гектаридан ортиқроқ майдонида пахта оппоқ очилди. Қолган майдонларида ҳам дефолиацияни сифатли ўтказиб, машина теримини юксак даражада ташкил этишга эришамиз.

Кўпгина хўжаликларда қўл терими ҳам бошланиб кетди.

М. КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРАТДА: қабул пайти. В. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат (ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 15 сентябрь куни Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси Карло Унгарони қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлиқларини топширди.

— Италиянинг Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро алоқалари бугун бошлангани йўқ, — деди К. Унгаро жаноблари. — Мустақил ўзбек диёрининг турли бурчакларида мамлакатимиз билан ҳамкорликда ишлаётган қўшма корхоналар фикримнинг далилидир. Давлатимиз Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли алоқаларни янги босқичда давом эттириш истагида.

Ислом Каримов Карло Унгарони Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси этиб тайинлангани муносабати билан самимий қутлаб, унинг бу масъулиятли ишида омад тилади, Ўзбекистон билан гўзал ва қадимий Италия давлати ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам тенг ҳуқуқлилик асосида ривожланаверади, деб ишонч билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов иштирок этди.

(ЎзА мухбири).

ТУРКИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон билан Туркия Республикаси ўртасида турли соҳалардаги алоқалар тобора ривожланмоқда. Куни кеча Измир шаҳри савдо палатаси аъзолари делегацияси республикамизда бўлди. Делегация таркибида кимё, қурилиш, озиқ-овқат, мебелсозлик, тўқимачилик саноати вакиллари, шунингдек, сайёҳлик ва транспорт соҳаси ишбилармонлари бор.

Тошкентдаги Киночилар уйида учрашув бўлди. Делегация бошлиғи, шу палата президенти жаноб Экрем Демиртош сўзга чиқиб, ташрифимиздан мақсад республикангиз ишбилармонлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишдан иборатдир, деди. Савдо палатаси Туркиянинг энг нуфузли ташкилотларидан ҳисобланиб, ҳозирда унинг 30 минг аъзоси бор.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан ахборот айирбошлаш, қўшма кўргазма-ярмаракалар ташкил этишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоладилар. Битимда, жумладан, 1993 йилда Тошкент ва Измир шаҳарларида Туркия ва Ўзбекистон моллари кўргазмаларини ташкил этиш, Тошкентда Измир шаҳри савдо-саноат палатаси ваколатхонасини очиш кўзда тутилган.

Туркия делегацияси аъзолари республика вазирликлари, концерн ва уюшмалари, завод ва фабрикаларида бўлдилар, Тошкентдаги 1-мусиқавий интернат-мактабга бордилар. Бу ерда тарбияланувчиларга совғалар топширилди.

Т. БОТИРБЕКОВ, (ЎзА мухбири).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ИТАЛИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

Карло УНГАРО



1937 йил 20 январда Лахорда (Покистон) туғилган.

1961 йилда — Рим университети ҳуқуқшунослик факультетини тугаллаган.

1962 йил — дипломатия-консуллик хизматига қабул қилинган.

1962 — 1963 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги дипломатия-консуллик хизматида, иқтисодий ишлар бошқармаси 9-бўлими ходими.

1963 — 1964 йиллар — Леопольдвилдаги (Заир) миссияда атташе, иккинчи котиб.

1964 — 1966 йиллар — Италиянинг Заирдаги элчихонасида учинчи котиб.

1967 — 1968 йиллар — Бедфорда (Англия) консул ўринбосари.

1968 — 1969 йиллар — Италиянинг Кобулдаги (Афғонистон) элчихонасида биринчи котиб.

1969 — 1972 йиллар — Кобулдаги Италия элчихонасида маслаҳатчи.

1972 — 1973 йиллар — Миссия маслаҳатчиси.

1973 — 1976 йиллар — Куала — Лумпурда (Малайзия) миссия маслаҳатчиси.

1976 — 1978 йиллар — Роттердамда (Нидерландия) бош консуллик мудири вазифасини бажарувчи.

1978 — 1981 йиллар — Роттердамда элчихона маслаҳатчиси.

1982 — 1984 йиллар — Роттердамда бош консул.

1984 — 1987 — Ташқи ишлар вазирлиги маданий муносабатлар Бош бошқармаси 3-бўлими бошлиғи.

1987 йил — Ташқи ишлар вазирлиги маданий муносабатлар Бош бошқармасининг тадқиқот, тахлил ва режалаш бўлими мудири.

1987 — 1992 йиллар — Бернда (Швейцария) муҳожирлар масалалари ва ижтимоий ишлар бўйича биринчи маслаҳатчи.

1992 йили — Италиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган.

Инглиз, француз, дари, форс тилларини билади.

Оилали, икки фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.

ТОЖИКИСТОН ДАРДИ—БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ

ЖАСОРАТЛИ СИЁСАТ

Тожикистонда бўлаётган воқеаларнинг таъсири Ўзбекистон билан Тожикистон орасидаги мавжуд моддий таъминот шартномасининг бузилишига олиб келди. Шартномада кўрсатилган маҳсулотлар ҳар иккала республикага ҳам бормай-келмай қўйди. Мен кўп йиллар таъминот соҳасида ишлаб, икки қардош халқ ўртасидаги бу хил узилишни кўрмаганман.

Ўзбек ва тожик халқларининг турмуши, қардошлик ришталари халқ хўжалигининг минглаб иплари билан худди қон томирларидек туташиб кетган. Халқларимизнинг дўстлиги, ҳамжиҳатлиги, борди-келди алоқалари, таъминоти истиқбол белгиларидир. Айни вақтда бой-бадавлат, тинч-тотув яшашимизнинг беқиёс негизидир.

Тез орада давлатларимиз 1993 йил учун анъанавий ўзаро моддий-техникавий шартномалар тузиши керак. Ана шунда узилиб қолган халқаларни тиклаш, бир-биримиз учун ниҳоятда зарур бўлган маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беришни ўйлашимиз лозим.

Мусулмон халқларнинг доно мақоли бор: «Бир кун уруш чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади!». Демак, қут-барака — сабрда, мувосоликда, аҳилликдадир.

Қариндошимиз уйида бўлаётган қонли савдога республикамизда ичи куймайдиган, қайғурмайдиган одам борми?

Яқинда матбуот конференциясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тожикистон воқеаларига жаҳон жамоатчилиги, БМТ раҳбарлари диққатини қаратувчи ёрқин баёнот эълон қилдилар. Президентимизнинг ушбу эҳтиросли мурожаатлари фақатгина тожик халқининг эмас, бутун Ўрта Осиё минтақасининг истиқболи, тақдирини ўйлаб, узоқни кўзлаб қўйилган қадам бўлиб, у давлат раҳбарининг замонавий сиёсатдаги мардлиги, тафаккур жасоратидир.

Ш. АННАЗАРОВ, таъминотчи мутахассис.

ИЗТИРОБ

Ён қўшнимиз-жон қўшнимиз бўлган мустақил Тожикистонда рўй бераётган хунрезлик, бегуноҳ одамларнинг ёстиғи қуриётганлигидан республикамиз меҳнаткашлари қаттиқ изтироб чекаётир. Редакциямизга келаётган хатларда, кетма-кет телефон қўнғироқларида муштарийлар тожиклар дардига шерик эканликларини изҳор этиб, бу кўҳна ва мустақил давлатда тезроқ осойишталик ва барқарорлик тикланиши лозим деб айтмоқдалар. Рўзномамизнинг ушбу сони саҳифаланаётганида таҳририятга Меҳнат қаҳрамони, Улуғ Ватан урушининг биринчи гуруҳ ногирони Ориф ота Афзалов кириб келдилар. Ориф ота кўп йиллар мобайнида Тожикистонда ишлаб, республика тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшганлар. 90 ёшни қоралаган отахонни Тожикистон заминидаги фожиали воқеалардан изтироб ва ҳавотирлик таҳририятимизга етаклабди.

— Ўйлаб ўйимга етолмаяпман, тожик биродарларимизга нима бўлди ўзи?,— деди маъюслик билан Ориф ота. — Ахир бу кўҳна замин одамлари аҳил, бир-бирига оқибатли эдилар-ку! Эндигина «Қизил мустамлакачилик»дан қутилиб, кўкрагига шамол теккан мустақил давлатда ўзи нималар бўляпти? Мустақилликни мустаҳкамлаш ўрнига бунинг акси рўй бермаяптими? Наҳотки, жанжал бўлган уйдан барака кетишини унутиб қўйишган бўлса. Тожикистонда тезроқ биродаркушлик тўхтатилиши керак. Ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этиш мумкин. Акс ҳолда ёнғиннинг алангаси бошқа худудларни ҳам ўз домига тортиши мумкин. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, уруш олови аланга олишига, мустақил республиканинг парчаланиб кетишига мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас. Ўйлайманки, ақл-идрок устун келиб, тожик биродарларимиз ораларидаги можарони ўзларигина ҳал этадилар.

Дарҳақиқат, Ориф ота ҳақ гапни айтдилар. Мустақил республиканинг парчаланиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг учун тожик биродарларимиз можарони тезроқ ўзлари бартараф этишлари керак. Уларнинг ички ишларига аралашишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мустақил давлатнинг халқи тараққиётнинг қандай йўлидан боришни ўзи белгилаб олишга қудрати етади.

Алишер РЎЗИЕВ.

ҚАЛБИМИЗ СИЗ БИЛАН БИРГА

● Тошкентга, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов номига Тожикистондан — Хўжанд шаҳри тўқимачиларидан телеграмма келди. Телеграммада, жумладан, бундай дейилади:

«Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизнинг телекўрсатув орқали Тожикистон Республикасида вужудга келган вазият хусусида айтган гапларингизни, мухбирларнинг саволларига қайтарган жавобларингизни эътибор билан тингладик. Биз, «Хўжандатлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари Сизнинг сўзларингизда республикамиздаги осойишталик ҳақида қилинаётган астойдил гамхўрликни ҳис этдик ва бунинг учун чин кўнгилдан ташаккур билдирамиз.

Бизнинг жамоамизда тожиклар билан бир қаторда ўзбеклар, руслар, украинлар, немислар, бошқа миллат кишилари ишлайдилар. Бу халқлар дўстлиги кучимизга-куч қўшиб келаётганига неча бор ишонч ҳосил қилдик. Бизнинг жамоамиз ўз ишининг ихтисосига кўра, Ўзбекистоннинг қўшни вилоятлари билан — Бекобод, Наманган, Марғилон, Косонсой билан доимо ўзаро иқтисодий ва маданий алоқа қилиб турибди. Сизнинг Тожикистон Республикаси билан ўзаро муносабатни яхшилашга интилишингизни, минтақада фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш соҳасидаги саъй-ҳаракатингизни чин кўнгилдан қўллаб-қувватлаймиз.

«Хўжандатлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси номидан Бош директор МУҲАММЕДОВ». (ЎзА).

ТИНЧЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бор. Тожикистон билан девордармиён қўшнимиз. Тилимиз бошқа бўлгани билан динимиз, дилимиз, урф-одатларимиз бир хил, томирларимиз бир-бири билан уйқашиб кетган.

Шу боис қўшнимиз уйида хунрезлик бошланганини эшитиб, бутун қишлоғимиз ларзага келди. Тожик халқи кўкрагига офтоб тегиб, мустақилликка эришган, эндигина эркин нафас ола бошлаган дамларда тартибсизлик ва биродаркушликни бошидан кечирмоқда. Ҳеч замонда нотинч ва жанжал бўлган мамлакатда яхшилик бўлмаган. Ахир отабоболар «бир кун жанжал бўлган жойда қирқ кун барака бўлмайди», деб бекорга айтишмаган-ку.

Шахсан мен Ўзбекистон Республикасининг оддий бир фуқароси сифатида барча қатори Президентимиз И. А. Каримовнинг шу муносабат билан олиб бораётган сиёсатини тўла қўллаб-қувватлайман. У воқеаларнинг олдини олиш учун халқаро ташкилотларнинг намоёндалари Тожикистонга мумкин қадар тезроқ келишлари лозим, деб жуда тўғри айтди.

Ўзбекистон ва унга қўшни бўлган қардош республикалар узоқ йиллар дилида тугиб келган орзусига эришган, мустақилликка, истиқлолга етган бир пайтда бу минтақага фақат тинчлик керак. Тинчлик бор жойда эса халқнинг эркин меҳнат қилиши, ҳозирги қийинчилик вазиятидан тезроқ чиқиб олиши учун имкониятлар яратилади. Мана шу сабабли айтмоқчиманки, эҳтиросларга сира ҳам берилмайлик. Жанжал ва можароларни келтириб чиқарадиган, биз учун жуда ҳам қимматга тушиши мумкин бўлган ихтилофларга сабаб бўладиган ҳар қандай нотўғри ишларга йўл қўймайлик.

Районимиз партия ташкилоти қўшни республикадаги воқеаларни халққа тушунтириш мақсадида учрашувлар, суҳбатлар ўтказяпти. Барча кишилар қўшнилар хонадонидаги можароларни тинч йўл билан тезроқ ҳал этишни талаб қилмоқдалар.

А. ИСОҚОВ, Хатирчи районидаги Ғ. Ғулом номли ўрта мактаб ўқитувчиси, ХДП аъзоси.

УРУШ АЛАНГА ОЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

«Қўшнинг тинч, сен тинч» деган гапда жон бор. Ўзбек билан тожик азал-азалдан қадрдон, қуда-анда бўлиб келган. Бир дарёдан сув ичиб, топганини баҳам кўрган.

Мана бугунги кунда ён қўшнимиз — Тожикистонда юз бераётган ҳунрезлик бизни беҳад ташвишга солмоқда. Ишдан келиб телевизор кўриб, радио тинглайман. Газеталарнинг янги сонларини ўқийман. Воқеалар яхши томонга ўзгаряптимикан, дея умид қиламан. Афсуски, тартибсизлик, қон тўкишлар тўхтамаяпти, кучаймоқда. Дилларимизни ўртаб, вужудимизни қон қақшатадиган воқеалар содир бўлаяпти. Бу, албатта, ёвуз кишиларнинг иши.

Тожикистонда уруш олови аланга олишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бу — халқларнинг ҳоҳиш-истаги. Шу жиҳатдан республикамиз Президенти, партиямиз раиси Ислом Абдуғаниевич Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Гали жанобларига ёзган хатида қўшни республикадаги ҳодисалар хусусида Ўзбекистон раҳбарияти фикрини баён қилиб берганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Мен ҳозирги мураккаб ва хатарли даврда республикамиз қўлга киритган мустақилликни, тинч ҳаётимизни, бахтиёр бола-чақаларимизни ўйлайман.

Районимизда 14 миллат ва элат вакили аҳил яшаб, меҳнат қилмоқда. Мен тожик миллатига мансубман. Лекин ҳаётимда ҳеч қачон бирор марта ҳам мен тожик, ё сен ўзбек, ёки рус деган сўзни эшитмаганман. Миллатни миллатдан айириш йўқ. Ҳамма аҳил, бир акаукадек иноқ.

Аммо қўшни республикада ана шу аҳилликка раҳна солувчилар ҳам бор экан. Бу ғоят афсусланарли. Дўстликни бузувчи, иғвогар кимсаларга худонинг ўзи жазо берсин. Мен эса ўз навбатида Президентимиз сиёсатини қўллаб-қувватлайман. Бизга тинчлик ва осойишталик керак.

Камол НУРМУҲАМЕДОВ, Деҳқонобод районидаги 246-механизациялашган кўчма колонна бош муҳандиси, ХДП аъзоси.



Асака пахта тозалаш заводида янги иш ўринлари барпо этишга эътибор қаратилди. Бу ерда очилган тикувчилик цехи чеварларига буюртма берувчилар тобора кўпайиб боряпти.

Суратда: тикувчи Нурхон Содиқова (чапда) ҳамкасби Насибахон Усмонова билан янги олинган матодан хушбичим кийим-кечаклар тикиш ҳақида маслаҳатлашмоқда.

А. УСМОНОВ олган сурат.

КЎП МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАГАН КЎП ФОЙДА ҲАМ ОЛАДИ

● Ўзбек халқи қадим-қадимдан яхши, озода кийинишга иштиёқманд. Одамга либос... деган нақлимиз ҳам бежиз айтилмаган. Корхонамиз меҳнат жамоаси ана шуни чуқур англаб, хилма-хил газламалардан замонавий кийим-кечаклар тикиб чиқариш ҳажмини муттасил ошириб бориш ҳаракатида.

Элни яхши кийинтириш, кишиларнинг кайфиятини кўтариш жабҳасидаги ишларимиз ўз самараларини беряпти. Маҳсулотларимиз тури кўпайиб, уларни тикиш технологияси муттасил такомиллашиб боряпти. Шунга яраша меҳнат жамоамиз турмуш-тақчиллигидаги тангликка нисбатан камайиб боряпти.

Бунинг учун 8 ойлик якунларини бироз таҳлил қилиб кўришнинг ўзи кифоя. Йил бошидан буён бирлашма 650 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, савдо тармоқларига етказиб берди. Кўрилган фойда 100 миллион сўмни ташкил этади. Шунинг 22 миллион сўми йил бошида кўзда тутилганидан зиёд олинган фойда. Бу, корхона жамоасининг баланд руҳ билан меҳнат қилаётганидан далолатдир.

Энди хотиржамроқ мулоҳаза юритсак, яхши натижага эришиш учун баракали меҳнат қилиш лозим. Зарур шарт-шароитлар яратилган жамоадагина унумли, фойда кўриб ишлаш мумкин бўлади. Корхона маъмурияти, жамоат ташкилотлари ана шу ҳақиқатни тўғри англаб, зарур чоралар кўрмоқда. Натижада хом ашё ҳам топилмоқда, фойда кўриб ишлаш ҳам мумкин бўлмоқда. Бу эса пировардида жамоа аъзоларини ижтимоий жихатдан ишончли тарзда кафолатлашга имкониятлар яратиб бермоқда.

Аввало, хом ашё хусусида. Биз бу масалада қийналиб қолмадик. Нега? Белорус, Россия, Литва республикалари билан иқтисодий алоқаларни ишончли изга солдик. Мавжуд шартномаларни йил бошида қайтадан кўриб чиқдик. Шартнома шартлари қатъий адо этилишига мустаҳкам замин яратилди. Бу эса корхонада ишлаб чиқариш маромини сақлаб қолишга ёрдам бермоқда.

Шу тариқа корхона эркаклар ва хотин-қизлар костюмлари, плашлар ва курткалар тикиб чиқаришни тобора кенгайтиришга муваффақ бўляпти. Кейинги пайтда тикиб чиқарилаётган маҳсулот турларининг 80 фоизи янгиланди. Лекин маҳсулотларнинг нархларини кўр-кўрона оширишга қаршимиз. Бой бўлай деб иззатдан айрилиш ёмон эканини яхши биламиз. Шунинг учун тикиб чиқарилаётган маҳсулотларимиз сифатли, харидоргир бўлиши билан бирга, унчалик қиммат бўлмаслиги ҳақида ҳам чоралар кўриляпти. Шундан бўлса керак, корхонамиз тамғаси босилган тайёр кийим-кечаклар пештахталарда кўп туриб қолаётгани йўқ.

Хўш, бирлашма фойда кўриб иш қилаётган экан, у нималарга сарфланяпти, деган ҳаёлга боришингиз мумкин. Тўғри, ҳозирги корхоналар ё фойда олиб ишлаши керак, ёки иқтисодий жиҳатдан синиб, ўз фаолиятини тўхтатиш зарурати туғилади. шу туфайли бизнинг бирлашма муттасил фойда олиб ишлаб, корхона меҳнат жамоасини ҳозирги оғир шароитда ижтимоий ҳимоялашга қодир бўляпти.

Ҳали ҳам ишчи-мутахассисларнинг даромади етарли деб бўлмайди. Лекин бугунги шароитда меҳнат жамоаси ҳар бир аъзосининг ойлик даромади ўртача 5000 сўмни ташкил этиб тургани ёмон эмас. Бунинг устига ойда ҳар бир ишчи яна 800 сўм атрофида қўшимча ҳимоя пули олади: яъни ҳар кунги транспорт йўлкирасига 10 сўм, тушлик учун 30 сўм.

Фойданинг бир қисми уйжой, ишлаш шароитларини яхшилашга сарфланмоқда. Йил бошидан бери бирлашма маблағига 36 уй қуриб топширилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кейинги сессияда сўзлаган нутқида олижаноблик қилди. Агар мард бўлсангиз, хотин-қизларга яхши ишлашлари учун зарур шароит яратиб беринг, деган вазифани қўйди. Биз буни кўрсатма тариқасида қабул қилдик. Бирлашмада меҳнат қиладиган хотин-қизлар иш сменасини 1 соат қисқартирдик. Лекин иш ҳақини 8 соат ҳажмида сақлаб қолдик. Бу эса хотин-қизларнинг уй юмушлари, бола тарбиясига кўпроқ вақт ажратиш имконини яратмоқда.

Баъзи ҳамкасбларим: «Ҳамма ўз корхонасидаги ишчилар сонини қисқартирса, сизлар яна қўшимча ишчи олаётган эмишсиз», деб ажабланишмоқда. Тўғри, бирлашмамиз қўшимча иш ўринлари яратиб беряпти. Янгидан 150 кишини ишга қабул қилдик. Яна 2 та цех ташкил этяпмиз. Ишлаб чиқарган маҳсулотимиз сотилиб турибди. Янги хил маҳсулот тайёрласак харидори бор. Шунинг учун янги иш ўринлари бунёд этиб, қўшимча ишчилар қабул қилиш йўлидан бораверамиз. Кўрилган фойда эвазига Бўкада тикувчилик фабрикаси қуриляпти. Уни тиклашга 90 минг сўм сарф этдик. Лекин қилинган харажатлар тезда қопланишига кўзимиз етиб турибди.

Эркин ишлаш замони келди. Ҳеч ким корхонага мажбурий тартибда режа белгилаётгани йўқ. Маҳсулотларимиз ўз харидорини топаётган экан, кўпроқ кийим-кечак тикиб чиқараверамиз. Аммо нархини асоссиз оширишга йўл қўймаймиз. Кўп ишлаб чиқарсак, тез сотилса бас. Ахир айтадиларку, фойда кўпдан чиқади, деб. Билиб турибмиз кўп кийимни арзонроқ сотсак ҳам кўп фойда олинаверади.

Бир муаммо ўйлашга мажбур этди. Баъзи савдо тармоқлари молимизни олишга олиб, пулини тўлашга бефарқ қарашмоқда. Балки, маҳсулотингиз сотилмаётгандир, деб ўйларсиз. Қаёқда! Маҳсулотимиз харидоргир, пешма-пеш сотилиб турибди. Фақат банк операциялари чаққон тартибда ишламаслиги бунга сабаб бўлмоқда. Шу тариқа йил бошидан буён жами 150 миллион сўм корхонамизнинг банк ҳисобига тушмай турибди.

Мана шу вазият кўзимизни очди. Ўз маҳсулотларимизни ўзимиз сотиш пайига тушиб қолдик. Андижонда корхонага тегишли ўз дўконимизни очдик. У бугундан бошлаб савдо қила бошлайди. Яқин вақт ичида Тошкентда ҳам фирма дўконимиз фаолият кўрсата бошлайди. Кейин республиканинг бошқа вилоятларида ҳам ўз дўконларимиз бўлишига эришамиз.

Эркин ишлаш замони ишчанликни оширяпти. Фойдазиённи фарқлашга ўргатяпти. Замона зайлига хос малака орттирган, ўз жамоасини ижтимоий ҳимоялаб борган корхоналарнинг истиқлол йўли ойдинлашаверади.

Бунга ишончимиз комил.

А. ТОШПЎЛАТОВ,
Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли китоби ҳақида

ИСТИҚЛОЛНИНГ МУҲИМ ДАСТУРЛАРИ



УШБУ чуқур мазмунли, ғоят долзарб мавзуга бағишланган китоб муҳим иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, фалсафий ва маънавиятга хос муаммоларни ўзида қамраб олган. Бу китоб республикамиз эришган чинакам мустақилликка бир йил тўлганда дунё юзини кўриши чуқур мантиққа эга.

Рисола муаллифи ушбу асар орқали ўзининг давлат, жамоат арбоби, ғайратли ташкилотчи, моҳир амалиётчи эканлиги билан бирга, чуқур маълумотли назариётчи эканлигини ҳам яна бир бор намоён қилган.

Китоб муқаддимасида республикамиз эришган чин мустақилликнинг ўз ҳудудимиз ва ҳамдўстлик миқёсида, халқаро майдондаги аҳамияти, тутган ўрни ва истиқболи зўр мамнуният ҳамда ифтихор ҳис-туйғулари билан аниқ, равшан, теран баён этилган. Унда республика иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маънавий тараққиётнинг кенг, ёруғ, хавф-хатарсиз йўлига чиқиб олганлиги, ўзбек халқининг асрий орзуси — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиққанлиги таъкидланган.

Китобнинг «Ўз йўлимизнинг шарт-шароити ва заминлари» деган бобида жаҳон тажрибасига мурожаат қилган муаллиф ўз давлатчилигини қўлга киритиш, миллий, ижтимоий озодликка эришиш ҳеч қачон, ҳеч қаерда осон бўлмаганлигини уқтиради. Чунки тайёр модел, ибратли андоза, самарали тажриба йўқ. Буларни излаб топиш керак. Шу сабабли, китобда жуда тўғри айтилганидек, «жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш жумҳуриятнинг қатъий позициясидир».

Китобда танлаб олинган истиқлол йўлининг мазмуни ва моҳияти эволюцион йўл билан меъёрли, маданиятли тараққиётга ўтиш эканлиги қайд этилган. Рисола бунинг учун нималар қилиш кераклиги ҳам кўрсатиб берилганлиги билан қимматлидир.

Асарнинг қимматли жиҳатларидан яна бири шундаки, унда чинакам мустақилликка эришиш йўли, жумҳуриятни ривожлантиришнинг қуйидаги етти асосий хусусият ва шарт-шароитлари аниқ-равшан баён этилган. Булар:

Биринчидан, аҳолининг миллий-тарихий ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади. Булар қаторига ҳақли равишда жамоатчилик, катталарни ҳурмат қилиш, оила ва болапарварлик, очиқ кўнгиллилик, одамларга миллатига қарамай хайрихоҳ бўлиш, ҳамдардлик, ўзаро ёрдам, шунингдек, Ватанга меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга интилиш, устозларга ҳурмат каби фазилатлар ҳам киритилган.

Иккинчидан, республикадаги ўзига хос демографик вазият ғоят муҳим хусусиятдир. Маълумки, ҳозир ўлкамизда 22 миллион киши яшайди. Унинг қаторига яна ҳар йили ярим миллиондан кўпроқ аҳоли қўшилади. Бинобарин, аҳоли меҳнат ресурслари юксак суръатлар билан ўсмоқда. Бунинг устига унинг ярмидан кўпроқ қисми қишлоқларда яшайди ва, асосан, деҳқончилик билан шуғулланади. Ер-сув эса кўпаяётгани йўқ, аксинча, камайиб боряпти. Аҳолининг 60 фоиздан зиёдроғи болалар, ўсмирлардир.

Учинчидан, жумҳуриятнинг миллий таркиби ғоят хилма-хилдир. Гарчи туб аҳоли миқдори устун турсада, унда 100 дан зиёд миллат, элат вакиллари яшайди. Миллий масала эса жуда ҳам нозик ва мураккаб муаммодир.

Тўртинчидан, республиканинг қулай геостратегик мавқега эгалигидир. Бу ўлка мустақил энергетика, сув тизимларига эга бўлган собиқ совет Ўрта Осиёсининг қоқ ўртасида жойлашган. Демак, кўпгина муаммоларни унинг танҳо ўзи еча олмайди. Жанжалсиз, ларзаларсиз, миллий низоларсиз йўлларни излаб топиш эса осон иш эмас. Оқилона йўл топиш зарур.

Бешинчидан, республикада тараққиёт йўллари ва ёндашув усулларини танлашга табиий-иқлим шароитларининг ўзига ҳослиги белгиловчи таъсир ўтказаётганлигидир. Муаллиф фикрича, деҳқончилигимиз аксарият суғоришга асосланганлиги, сув ресурсларининг чекланганлиги, пахтачиликнинг етакчи ўрин тутиши, унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишга мажбурлиги ҳам мавжуд шарт-шароитларни белгиловчи омилдир.

Олтинчидан, ўлкамиз республиканинг мустақиллигини сақлашни таъминлай оладиган имкониятларга эга. Муаллиф келтирган далиллардан аниқ маълумки, «Республика ўз олтинини, бошқа нодир ва қимматбаҳо металларни мустақил қазиб чиқариб, қайта ишламоқда ва сақламоқда. Ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликлар, авлод-аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудрат ва имкониятлар миллий бойлик бўлиб, одамлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва равнақнинг асоси бўлиб хизмат қилади».

Ниҳоят, еттинчидан, сўнгги ўн йиллар мобайнида муайян қадриятларга эга бўлган кишиларнинг маълум даражада ижтимоий онги шаклланди. Бу — ижтимоий тенгликка, кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, бепул умумий таълим ва тиббий хизматга қатъий мойилликда намоён бўлаётир; яна бу ҳол маъмурий буйруқбозлик замони, инсонни мулкка эгаликдан ва хўжайинлик туйғусидан бегоналаштирганлиги, «тайёрга айёрлик» кайфиятини юзага келтирганлигида кўринмоқда.

КИТОБНИНГ 1-бобидан хулоса чиқариб, унинг муаллифи юқорида қайд қилинган шарт-шароитлар ҳозирги босқичда ўлкада ички ва ташқи сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашини таъкидлайди.

Рисоланинг 2-боби — «Ўзбекистон — демократия ва ижтимоий адолат жамияти» деб аталган. Унда раҳбарият юритаётган ички ва ташқи сиёсатнинг йўналишлари, уларнинг мантиқий истиқболда чинакам мустақил давлатни барпо этишга қаратилган пировард мақсаддан иборатлиги уқтирилган. Шу сабабли, бош вазифа — республикада халқчил, адолатли жамиятни собитқадамлик билан бунёд этишдан иборат эканлиги таъкидланган.

Китоб муаллифи Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ, мустақил, демократик, ҳуқуқий, адолатли давлат эканлигини зўр ифтихор ҳислари билан қайд қилади; шунингдек унинг инсонпарварлик ғояларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинлигини таъминлайдиган давлат эканлигини уқтиради.

Асарда шунингдек, янгиланаётган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши, инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, турмуш тарзини эркин танлаб олишига кафолат берадиган назарий ва амалий дастурлари батафсил баён этилган.

Булар қаторига сиёсий соҳада қуйидагилар киради:

— халқнинг турмуш тажрибасига, аҳолининг миллий-маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлар манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий, демократия принципларини қарор топтириш;

— қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳайъати ваколатларини табақалаштириш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш;

— барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги, қонуннинг устунлиги, жамият манфаатлари ҳимоя қилинишини, аҳоли хавфсизлигини таъминлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш;

— ўлкада туғилган, яшаётган, ишлаётган ҳар бир киши миллати, эътиқодига қарамай республиканинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир, деган инсонпарварлик, ватанпарварлик ғоясини рўёбга чиқариш;

— кичик миллатларнинг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, урф-одатлари, анъаналарини сақлаш, ривожлантириш кафолатини таъминлаш;

— ягона мафкура, дунёқараш яккаҳокимлигидан воз кечиб, сиёсий партия, мафкура, ғоялар хилма-хиллигини тан олиш;

— чинакам демократиянинг қонуний, зарурий таркиби бўлган кўп партиялиликни назариядагина эмас, балки амалда ҳам шакллантириш.

Юқоридаги дастурлар қаторига иқтисодий соҳада қуйидагилар киритилган: миллий бойликнинг кўпайишини таъминлайдиган мустақилликни, одамларнинг турмуш, иш шароитларини тубдан яхшилайдиган барқарор, ривожланувчи иқтисодни барпо этиш; ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, ижобий тажриба ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш, иқтисодий омиллар воситасини ишга солиш, «тайёрга айёрлик»ни батамом йўқотиш; мулк эгалари ҳуқуқларини давлат йўли билан ҳимоя қилиш, мулкчиликнинг ширкат, давлат, хусусий шаклларини қарор топтириш; иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик, яккаҳокимликка барҳам бериш, корхона, ташкилот мустақиллигини кенгайтириш; меҳнат қилиш, дам олиш, ҳақи тўланадиган таътилга чиқиш, ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилиш; табиий бойликлардан аёвсиз фойдаланишга, атроф-муҳитга шикаст етказилишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик.

Муаллиф илгари сурган дастурлар қаторига ижтимоий ва маънавий соҳаларда қуйидаги саккиз тадбир киритилган: инсонпарварлик ғояларига содиқлик; маънавият ва аҳлоқийликни қайта тиклаш; қадимий ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт, санъатни билиш ва муттасил кўпайтириш; ҳур фикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини барқарор қилиш; ижтимоий адолат қонуниятини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари, серфарзанд оналар, ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кафолатли ҳуқуқларни таъминлаш; ҳаммага маъқул келадиган сифатли тиббий хизматни йўлга қўйиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, гўдаклар ўлимини қисқартириш, умрни узайтириш; умумий бепул таълим олиш, касбни, махсус тайёргарликни эркин танлаш ҳуқуқини ҳаммага бериш; ижоднинг ҳамма турларини ривожлантириш, кишиларнинг истеъдод-заковатларини намоён этишларига шароит яратиш, маънавий бойликларни ҳимоя қилиш.

Республика Президенти оила ҳақида таъриф бераркан, оила муқаддас омил — жамиятнинг негизи, давлатимизнинг ўзи катта бир оила эканлигини, бунда ўзаро ҳурмат, қаттиқ тартиб бўлиши лозимлиги, оила турмуш ва виждон амри асосига қурилажаги, оила ҳақидаги ғамхўрлик маънавий қадрият, у инсон қалбининг гавҳари эканлигини алоҳида уқтиради.

Муаллиф китобнинг 2-боби якунида ижтимоий-сиёсий соҳалардаги олий мақсадимизни таърифлаб бундай дейди: «Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши, фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши — биз кўзлаётган олий мақсаддир».

КИТОБНИНГ «Миллий манфаатлар устиворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат» деган боби ҳам сермазмун, назарий ва амалий дастурларга, далилларга, фалсафий умумлашмаларга бойдир. Бу бобда республиканинг миллий манфаатларига мос келадиган фаол ташқи сиёсат юритиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти, муҳим воситаси эканлиги уқтирилган.

Республикамиз учун мустақил ташқи сиёсат юритиш шу пайтгача сира ҳам кўрилмаган янгилик, сиёсий фаолиятнинг амалда илгари қўлланилмаган йўналишларидан бири эканлигини муаллиф тўғри таъкидлаган. Унда жумҳуриятнинг ташқи сиёсатига негиз қилиб олинган асосий принциплар тўла акс эттирилган.

Китоб муаллифи бутун республика жамоатчилигини ишонтириб, бундай дейди: «Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда юқорида айтиб ўтилган принципларга қатъий риоя қилади, уларни бойитиб ва кенгайтириб бориб, ташқи сиёсат ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишларини қатъият ва изчиллик билан турмушга тадбиқ этади». Шундан сўнг И. А. Каримов республиканинг МДҲдаги иштирокини белгилайдиган асосий ҳолатларни батафсил баён этган. Мазкур иштирок туфайли эришилаётган муваффақиятлар ҳам муаллиф эътиборидан четда қолмаган. Буларнинг мантиқий давоми, — зарур шарти бўлмиш хорижий давлатлар билан муносабатдаги тарихий бурилиш ҳам ўз аксини топган.

Таҳлил ва тақриз қилинаётган китобдаги 4-боб бозор иқтисодиётини қуриш муаммосига бағишланган бўлиб, унда муаллиф халқ манфаатларига жавоб берадиган мустақил иқтисодий сиёсат — Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг асосий шарти эканлигини ҳақли равишда уқтирган.

Китобда республика иқтисодиётида икки мураккаб масалани ҳал этиш шартлари — биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтишда чуқур ислоҳотлар ўтказиш; иккинчидан, иқтисодиётни барқарорлаштириш, халқ фаровонлигининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасликдан иборат эканлиги қатъият ва ишонч билан уқтирилган.

Муаллиф бозор иқтисодиётига ўтишда танлаб олинган йўлга бошқа муқобил омил йўқлигини таъкидлаб, унга ўтиш муқаррар, бу — давр амри, объектив реаллик эканлиги ҳамда айни пайтда у фақат мақсадгина эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, халқ фаровонлигининг сифат жиҳатдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситаси эканлигини ишонарли қилиб асослаб берган. Китобда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўз шароитимизга хос хусусиятлари ҳам таърифлаб ва тавсифлаб берилган. Буларни билиб олган киши бозор ҳақидаги ўринсиз гаплар, уйдирмаларга ишонишдан халос бўлади.

Президент республика иқтисодиётини таркибий қайта қуриш юзасидан ишлаб чиқилаётган чора-тадбирларни амалга оширишга бўйсундирилган вазифаларни ўз асарининг мазкур боби сўнгида бирма-бир белгилаб берган. Муаллиф бу вазифаларнинг бажарилиши мумкин ва лозимлигига қаттиқ ишонади, оммани шунга чақиради.

Бозор иқтисодиёти ҳақидаги қимматли ғояларга, назарий ва амалий дастурларга якун ясаб, муаллиф қуйидаги хулосани чиқарган: «Замонавий бозорга ўтишга доир мўлжалланган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, унинг янги индустриал мамлакатлар сафига қўшилишида чуқур сифат ўзгаришларига олиб келади ҳамда Ўзбекистон иқтисодий, сиёсий ва маънавий мустақиллигининг ишончли кафолатларини беради».

КИТОБНИНГ охирги боби «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-аҳлоқий негизлари» деб номланган ва у тўрт гуруҳга бўлиниб, умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши ватанпарварлик тарзида ифодаланган.

Асар муаллифи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги ғояси мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи сифатида ғоят тўғрилигини исботлаб берган. Халқимиз, — деб ёзади муаллиф — адолат, тенглик, аҳил қушничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртак ва ниҳолларини асрлар оша асраб-авайлаб келмоқда; республикани янгилашнинг олий мақсади шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишининг камол топиши учун зарур шарт-шароит яратишдир. Республикамизда олдин қайта қуриш, сўнг янгиланиш бошланган йиллар давомида такрорланиб келаётган бу дастур катта қийинчиликларга қарамай, умуман муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу туфайли, бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз, китобда таъкидланганидек, барча халқлар ва давлатлар яратган маърифат, фан, техника, маданият, санъатда нимаики янги ва илғор бўлса, шуларга дадиллик билан интилмоқда.

Китоб муаллифи истиқболга ишонч ва масъулият ҳисси билан «Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўлганидек, яна янгидан ўзимизнинг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими — инсонларга керакли қадриятларимиз барпо этилади» деб таъкидлайди. Бу — ишонч рамзи, келажакка умид билан қарашнинг ёрқин ифодасидир. Халқнинг, хусусан, келажак авлоднинг соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиб келаётган Республика Президенти фуқароларимизни ўз соғлиги ҳақида ғамхўрлик маданиятини ёшликдан, оила, мактаб, маҳалла тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдиришга чақиради. «Шуниси муҳимки, — дейди у, — одамлар сўзда эмас, амалда ўз соғлиги қадрига етиб, уни миллий бойлик сифатида авайлаб-асрасинлар». Ҳозирги пайтда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаси халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат, деб ҳисоблаб, муаллиф бу маънавиятнинг манбаъларини ҳам очиб, унга атрофлича таъриф ва тавсифлар беради.

Китобда ўз миллати, халқи, ўлкаси, оиласи, насл-насаби, моддий ва маънавий қадриятлари, мутафаккири маърифатпарварлари билан фахрланиш инсон учун олижаноб фазилат эканлиги чуқур асосланган.

Асарда баён этилган назарий ғоялар, амалий дастурлар тарих, фалсафа, иқтисодиёт, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик фанларига қўшилган қимматли ҳисса бўлиб, китобхонларнинг ундан бой маънавий ва маърифий озуқа олишларига шубҳа йўқ.

В. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси.
А. ОРТИҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.
Ф. ШАРИПОВ,
Тарих фанлари доктори, профессор.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● БУХОРО

ЕТИМ БОЛАЛАР БАНК МУАССИСЛАРИ БЎЛИШДИ

● БУХОРОДАГИ болалар уйида катта дастурхон ёзилиб, карнай-сурнайлар садоси остида 14 норасидага зарбоп тўнлар кийгизилди. Тантаналарнинг боиси ота-онасиз қолган етим-есирларнинг суннат тўйидир. Унинг ташаббускори Халқ демократик партияси вилоят ва шаҳар кенгашлари бўлишди.

Тўйнинг бошида «Бухоробанк» кооператив уюшмаси ва Москвадаги «Саид Муҳсин» номли халқаро болалар фонди турди. Шунингдек, бу хайрли ишга «Ветеран», «Учқун», «Бахт» кооператив жамоалари, «Шарқ» фирмаси, вилоят болалар фонди каби уюшмалар ҳам баракали ҳисса қўшишди.

Шу куни болалар уйидаги 16 христиан динидаги болалар чўқинтирилди. «Бухоробанк» жамоаси 30 нафар етим болани банк муассислари қаторига қўшиб, уларнинг ҳар бири ҳисобига 1000 сўмдан пул қўйди. Бундай имтиёзли муассислик проценти ҳисобига улар балоғатга етгунга қадар бу маблағ 15 минг сўмга етар экан.

Банк жамоаси амалга оширган яна бир хайрли тадбир болалар уйи билан боғлиқдир. Жамоа куни кеча илк бор мактаб остонасига қадам қўйган 37 болага кийим-бош, ўқув қуроллари туҳфа этди.

Ҳозир мазкур болалар уйининг хайрия фонди очилган. Унинг ҳисоб рақами «000142852, ПСБ — Бухоро».

Нусратилла НАИМОВ.

● ТОШКЕНТ

ИЧИМЛИК СУВИ КЕЛДИ

● ҚУЙИ ЧИРЧИҚ районидаги «Огонёк» давлат хўжалиги 8-бўлимидаги хонадонлар тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишди.

Бу билан хўжалик бўйича аҳоли ичимлик ва табиий газ билан тўла таъминлаб бўлинди. Хўжалик маъмурияти меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида аҳамият беряпти. Чунончи, хўжалик дўконида бир килограмм гўштнинг баҳоси 40 сўм, сутнинг литри, тухумнинг донаси 1 сўм, бир килограмм олма 1,5, узум эса 2 сўмдан сотилаётир. Ишчи-хизматчиларнинг санаторийларда саломатликларини мустаҳкамлаб қайтишларига эса бепул йўлланма берилмоқда.

Абдунаби МАННОПОВ.

● НАВОИЙ

ЎҚИТУВЧИНИНГ КИЧИК КОРХОНАСИ

● БИР йигитга қирқ ҳунар оз, деб бежиз айтилмаган. Буни ишбилармон Баҳодир Жиянов мисолида ҳам кўриш мумкин.

У ўқитувчи, Карманадаги 1-ҳунар-техника билим юртида ёшларга ҳунар ўргатиш билан бир қаторда «Олмос» кичик корхонасини ҳам йўлга қўйди. Айни кунларда бу кичик корхона ҳар куни юздан ортиқ бетон-ғиштларни харидорларга етказиб беряпти. Эндиликда бу қурилишбоп маҳсулотни нафақат навбаҳорликлар, балки қўшни районлар аҳолиси ҳам атиги 5 сўмдан олишмоқда.

— Ниятимиз корхонани янада кенгайтириб, келгусида ҳар куни 250—300 та бетон-ғишт ишлаб чиқармоқчимиз,—дейди Б. Жиянов. — Агар хом ашёни арзон нархда сотиб олсак, бетон-ғиштлар нархини яна пасайтиришимиз мумкин.

Музаффар ШАРОПОВ.

● ХОРАЗМ

ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

● ХОРАЗМДА вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг аҳолига хизмат кўрсатиш борасида тўплаган тажрибаларини ўрганишга бағишланган республика амалий кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш ишида Ижтимоий таъминот вазирлиги ходимлари, вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиқлари, ногирон болалар мактаб-интернатларининг директорлари, ижтимоий тўлов ҳамда «Ғамхўрлик» марказларининг раҳбарлари иштирок этишди. Анжуман қатнашчилари вилоят, Хива ва Дружба шаҳарлари ҳамда Боғот ва Хива районлари ижтимоий таъминот бўлимларининг ишлари билан танишдилар.

Кенгаш қатнашчилари вилоятда ижтимоий таъминот бўлинмалари амалга ошираётган кўпгина хайрли ва савобли ишларнинг шоҳиди бўлдилар. Бу ерда Республика Президенти Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари асосида амалий ишлар қилинмоқда. Вилоятда нафақахўрларга ҳар ой жами 160 миллион сўм тўланмоқда. Ҳолбуки икки-уч йил авал бу рақам 11 миллион сўмни ташкил этарди.

Бундан ташқари қатор корхона, ташкилот, давлат ҳамда жамоа хўжаликларида меҳнат ва уруш фахрийлари, ёлғиз қариялар ҳамда ногиронларга ўз жамғармалари ҳисобидан берилаётган қўшимча ёрдам 180 минг сўмни ташкил этмоқда. 300 нафарга яқин кишининг уй-жой шароити яхшиланди, 220 нафардан кўпроқ кишининг турар жойлари таъмирлаб берилди. 14 нафар кам таъминланган оилага турар-жой ажратиб берилди. Бундай мақсадлар учун бир неча юз минг сўм сарф этилди.

Кенгашда ана шундай хайрли ишлар мамнуният билан қайд этилди. Йиғилишда республика ижтимоий таъминот вазири С. Хўжаева, вилоят ҳокими М. Жуманиёзов ўртоқлар иштирок этиб, сўзга чиқишди.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

ХДП ҳаётидан

Республикада Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларига партия билетларини топшириш қизғин давом этяпти. Партия ташкилотлари бу тадбирдан ХДП аъзоларининг жанговарлигини, ташаббускорлигини ошириш, партия ташкилотларини мустаҳкамлаш йўлида омилкорлик билан фойдаланмоқдалар. Табиийки, партия ҳаётидаги мана шундай долзарб паллада ХДПнинг Дастури ва Низоми мақсад ва вазифаларига оид саволлар ҳам редакциямизга кўплаб келмоқда.

Биз қуйида Ўзбекистон ХДПнинг ташкилий-низомий масалаларига оид баъзи саволларга жавоб берамиз.

САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР

СЎРАГАННИНГ АЙБИ ЙЎҚ

1. Ўзбекистон ХДП аъзолик билети ва ҳисоб карточкаси қайси тилларда тўлдирилади?

Ўзбекистон ХДП аъзолиги билети икки тилда тўлдирилади. Партия билети вилоятларда ўзбек ва рус тилларида, Қорақалпоғистон Республикасида эса қорақалпоқ ёки ўзбек ва рус тилларида ёзилади.

Партия аъзосининг ҳисоб карточкаси Ўзбекистон ХДП аъзосининг ҳоҳишига кўра ўзбек ёҳуд қорақалпоқ ёки рус тилларида тўлдирилади.

2. Қайси асосларга кўра партия ҳужжатларига қайдлар қилиниши мумкин?

Партия ҳужжатларида қайдлар партия аъзоларининг партияга кириш анкетасида кўрсатилган маълумотлар, қайта рўйхатдан ўтганларнинг эса КПСС аъзоси ҳисоб карточкасидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Район, шаҳар партия кенгашлари партия ҳужжатлари ёзилгунига қадар улардаги мавжуд маълумотларни аниқлаб олишлари даркор. Ҳозир бошланғич ташкилотларда Ўзбекистон ХДП таркиби қайта солиштириб чиқилмоқда. Бунда ҳар бир партия аъзоси билан ўтказиладиган суҳбат чоғида ҳисоб маълумотлари аниқлаб олиниши лозим. Партия аъзоси партия билетига паспортдаги маълумотлардан фарқланувчи фамилия, исм ва отасининг исми ёзилиши истагини билдириш ҳоллари ҳам учраши мумкин. Бундай ҳолда ҳар бир истакка алоҳида ёндашиш, унинг сабабларини аниқлаш ҳамда имкон қадар уни қондириш керак бўлади. Албатта, гап бунда бутунлай фамилия ёки исмни ўзгартириш тўғрисида кетмаслиги лозим. Муқаддам қабул қилинган шаклда, масалан, Иброҳим Мансур ўғли Шукуров ёки Илҳом Абдуназар ўғли деб ёзишга йўл қўйилади.

3. Агар Ўзбекистон ХДП аъзоси партияга қабул қилиш тўғрисида бирор район кенгашига ариза берган бўлса-да, сўнгра хизмат тақозоси ёҳуд бошқа сабаблар билан бошқа район, шаҳарга жўнаб кетган бўлса, нима қилиш керак?

Партия ҳужжатлари партия аъзоси мазкур вақтда ҳисобда турган партия кенгаши томонидан ёзиб берилади. Шу боис бошқа район, шаҳарга кўчиб кетган кишилар, агар улар партия ҳисобидан тушмаган бўлсалар, янги яшаш ёки иш жойидаги Ўзбекистон ХДП район, шаҳар кенгашига мурожаат этишлари лозим. Улар эса партия билети ва ҳисоб карточкасини ёзиш учун зарур бўлган ҳужжатларни иш ва яшаш жойини ўзгартирган Ўзбекистон ХДП аъзоси қайта рўйхатдан ўтган ёки партияга қабул қилинган партия кенгашидан сўраб олади. Олинган ҳужжатлар асосида партия билети ва ҳисоб карточкаси ёзилади.

4. Партиявий ҳужжатлар учун фотосуратларга нисбатан бирон-бир алоҳида талаб борми?

— Партиявий ҳужжатлар учун фотосуратларга нисбатан алоҳида талаблар йўқ. Лекин фотосуратда муҳр изи яхши қолиши учун унинг ҳажми 3х4 сантиметрда ҳамда мумкин қадар ялтироқсиз қоғозда бажариладиган бўлиши керак. Лекин фотоқоғоз таъминотидаги мураккабликларни ҳам ҳисобга олмай илож йўқ. Шу боис охирги талаб қатъий тусда эмас.

5. Партиявий ҳужжатлар учун қанча сўм тўланади?

Партия аъзолари партиявий ҳужжатлар мажмуасининг фақат бир қисмининга ёки аниқроғи 25 сўм тўлайдилар. Шуни айтиш керакки, партия кенгашлари айрим ҳолларда ҳомий ташкилотлар маблағлари, партиянинг бошланғич ташкилотлар эҳтиёжларига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан ҳужжатлар қийматини қисман ёҳуд ҳаммасини тўлашлари мумкин.

6. Агар Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси узоқ вақт муддатга республикадан ташқарига кетаётган бўлса ва шу боис партия ташкилоти ишида гарчи фаол қатнаша олмаса-да, лекин партия сафидан чиқмай партия билетини олиш ва сақлашни истаётган бўлса, у ҳолда нима қилиши лозим?

Ўзбекистон ХДП Низоми партия аъзоларига мана шундай имкониятни беради. Мазкур ҳолда республикадан ташқарига кетаётган партия аъзоси ўз партия ташкилотига Ўзбекистон ХДП аъзолигини тўхтатиб туриши ва бунинг сабаби кўрсатилган ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бошланғич ташкилот бу аризани кўриб чиққач, тегишли қарорни қабул қилади ва ана шу қарор асосида партия билетига Ўзбекистон ХДПга аъзоликни тўхтатиб туриш тўғрисидаги белги киритилади. Шундай партия аъзоси ҳаётий вазиятлар ўзгарганида партияга аъзоликни қайта тиклаш имкониятини ўзида сақлаб қолади. Турмушга чиқиши ёки турли сабабларга кўра бошқа республикаларга кўчаётган, лекин Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиш ниятида бўлганлар мазкур маслаҳатдан фойдаланишлари мумкин.

Жавобларни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ягона партия билети, ташкилий-низомий масалалари ва статистика секторининг мудири М. О. Хадаев тайёрлади.



Шавқиддин ака Тилавов Ғиждувон районидаги С. Айний номли мактабга кўп йиллардан бери раҳбарлик қилади. Бу даврда у юзлаб йигит-қизларга таълим-тарбия бериб, мустақил ҳаётга йўллади. Халқ маорифи аълочиси, олий тоифадаги ўқитувчи ҳамон сафда.

СУРАТДА: Ш. Тилавов ўқувчилари даврасида.

Р. ОСТОНОВ олган сурат.



Булоқбоши райони ҳокимлиги ва ХДП район кенгаши бутун умрини ҳалол меҳнат билан ўтказган фахрийларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Тез-тез уларнинг ҳузурига келиб ҳолидан хабар олиб туришибди. Ушбу суратда район ҳокими ўринбосари Т. Мирзаев ва район партия кенгаши биринчи котиби А. Ҳолматовнинг умрини боғбонлик билан ўтказган, ҳозир 94 ёшни қоралаб қолган Неъматилла қори Назаров ҳонадонига келиб, у билан қизғин суҳбатлашаётган пайт акс эттирилган. Неъматилла ота бутун ҳаёти давомида янги-янги боғ-роғлар яратди. Ҳозир бу боғлар ғарқ ҳосилга кирган.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

НАҲОТКИ, ШУНЧАЛИК ҚИЙИН БЎЛСА?

Томди райони партия кенгашига уюшган бошланғич ташкилотларда икки хил манзарани кўриш мумкин. Масалан «Оёққудуқ» давлат хўжалиги бошланғич ташкилотида ҳозир 140 га яқин ХДП аъзоси бўлса, «Томди» давлат хўжалигида бу кўрсаткич 50 нафарга ҳам етмайди. Ҳўш, бунга сабаб нима? Нега энди бирида яхшию, иккинчисида бунинг акси. Чунки, «Томди» наслчилик давлат хўжалигида партия сафини ўстириш ва нуфузини ошириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Партия ташкилотининг котиби тарғибот-ташвиқот ишларини намунали ташкил этмаяпти, шу сабабли партияга кирган айрим ХДП аъзолари бугун иккиланиб юришибди. «Оёққудуқ» хўжалигида бўлса партиявий ишлар рисоладагидек. Бошланғич ташкилот котиби Пернибой Мадраимов ҳар бир партия аъзоси қалбига йўл топган. Ҳатто уларнинг барча хислатлари, жамоадаги ўрни, феъл-атворигача жуда яхши билади. Бунинг устига доимо чўпон-чўлиқларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш ғамида юради. Шундан бўлса керак, ҳатто кекса отахонлардан А. Дўсимов, И. Қусаевлар ҳам ўз ҳаётларини ХДП билан боғлашди. Хўш, «Томди» давлат хўжалигида шундай жонкуярлик билан ишлаш наҳотки қийин бўлса?

М. ШАРОПОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Гўдаклар учун имтиёзли талонлар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Каттақўрғон шаҳар кенгашида қам даромадли оналардаги икки ёшгача бўлган гўдакларнинг оналарига имтиёзли талонлар топширилди.

Бу талонлар билан жами 300 дан ортиқ гўдакларга ҳар бир бола ҳисобига 100 сўмлик миқдорида сариёғ, гурунч, макарон, шакар, сут маҳсулотлари бепул бериб борилади. Бундан кейин озиқ-овқат талонлари ҳар ойнинг бошида маҳаллаларга биркитилган тиббиёт ҳамширалари томонидан белгиланган ҳонадонларга элтиб берилади.

— Яқинда «Ғамхўрлик» деб номланган жамғарма ҳисобини очган эдик, — дейди шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Ўктам Воҳидов. — Бундан кўзланган мақсад — кам даромадли оилаларнинг фарзандларига ёрдам уюштиришдир. Ташаббусимизни шаҳар ҳокимияти ҳам қўллаб-қувватлади. Бир ҳафта орасидаёқ «Ғамхўрлик» жамғармаси ҳисобига ташкилотлар, корхоналардан тушган пул 32 минг сўмдан ошиб кетди.

А. ҲОШИМОВ.

● СИРДАРЁ

ҚАҲРАМОНГА ЕДГОРЛИК ЎРНАТИЛДИ МИРЗАЧЎЛЛИКЛАР

Мард ўғлон Турғун Аҳмедов номи билан ҳақли равишда фахрланадилар. Мирзачўллик бу йигит 19 ёшида мислсиз жасорат кўрсатиб, уруш қаҳрамони бўлган эди.

Туғилиб ўсган қишлоғи унинг номи билан аталади. Вилоятдаги қатор хўжаликлар, кўчаларга қаҳрамон номи берилган. Яқинда эса Гулистон шаҳрининг кўзга кўринган жойларидан бири — унинг номи билан аталувчи ҳунар-техника билим юртида Турғун Аҳмедовга ҳайкал ўрнатилди. Бу билан Мустақиллик байрами кунларида мирзачўлликлар қаҳрамон ўғлонини ёд этишиб, унга ҳурмат бажо келтирдилар.

Абдужалил УМАРОВ.

● ҚАШҚАДАРЁ

МУСТАҚИЛЛИК ОБИДАСИ ТИКЛАНДИ

БЕШКЕНТ шаҳрининг Мустақиллик майдонида барпо этилган обида ўзига хос мазмунга эгалиги билан эътиборни тортмоқда.

Қанотларини кўтариб, парвозга шайланган ҳумо қушининг тасвири туширилган ушбу обида муаллифи республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли мусаввир Садриддин Салимовдир. Обидада катта мазмун бор. Чунончи, бошимизга қўнган бахт қуши завол кўрмасин, истиқлол туғи жаҳон ичра мангу хилпираб турсин, мустақиллигимиз абадий бўлсин каби фикрлар ўз ифодасини топган.

Мазкур обидани моторларини келтирадиган ўрнатишни райондаги қурилиш ва таъмирлаш идораси бинокорлари қисқа муддатда уддалашди.

Мусо КАРОМОВ.

● ЖИЗЗАХ

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БОШЛАНДИ

ЎТГАН ОЙДА Жиззах вилояти ҳокимлиги билан Россиянинг Ярославль вилояти маъмурияти доимий ваколатхоналар очиш тўғрисида битимга келишиб, 1 миллион сўмдан пул ажратишган эди.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Яқинда Жиззах вилояти ҳокимлигида Ярославль вилояти маъмурияти бошлиғи А. Лисицин раҳбарлигидаги бир гуруҳ мутаҳассислар иштирокида ўзаро иқтисодий, маданий алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантириш муаммолари муҳокама этилди. Зарур тадбирлар белгиланди. Ярославль нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Н. Сумерскин дастлабки даврдаёқ Жиззах вилоятига олди-берди усулида нефть маҳсулотлари етказиб туришга ваъда қилди. Электрон машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Т. Охунов эса Жиззахдаги ҳамкасбларига турли электр двигателлари, пахта қуритадиган ускуналар, КАМАЗ машинасининг моторларини келтирадиган бўлди. «Красний Перекоп» тўқимачилик корхонаси директори А. Башмашников жиззахлик енгил саноатчилар билан доимий алоқа қилиш борасидаги фикрларини билдирди.

Ҳар икки вилоят раҳбарлиги ўзаро ҳамкорлик иқтисодий танглик жараёнидан қутилиш омили эканлигини таъкидладилар.

Баҳриддин САТТОРОВ.

● ХОРАЗМ

АМЕРИКА ДОНИДАН ЁҒ ОЛИНМОҚДА

УРГАНЧ ёғ-мой комбинати раҳбарияти «Союзпишепромсырьё» ташкилоти ёрдамида «Экспортхлеб» бирлашмаси билан шартнома тузиб, унга асосан АҚШдан 56 минг тонна соя-дуккакли дон олишни режалаштирган эди.

Ана шу доннинг 20 минг тоннаси келтирилиб, ундан ёғ тайёрлаб чиқариш бошлаб юборилди. Соядан олинган ёғ байрам кунлари савдога чиқарилди. Унинг бир килограммини 45 сўм қилиб белгиланганига қарамай, ҳушторъм ва витаминларга бойлиги кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Нархи қиммат бўлишига қарамай, соя ёғига республикамизнинг кўпгина савдо ташкилотларидан, ҳатто қўшни жумҳуриятлардан ҳам буюртмалар тушаётгани диққатга сазовор. Урганчликлар тайёрлаб чиқарган янги маҳсулотни Саратов ёғ-мой, Қозон химия комбинатлари оширилган нархда бўлса-да харид қилиш истагини билдириб, буюртмалар юборишган.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

ТРАКТОР МОТОРИ ЎРНАТИЛГАН «ТОЙОТА»

Шу кунларда Ўзбекистон йўлларида чет элларда ишлаб чиқариладиган турли маркадаги енгил машиналарни кўп учратасиз. Аммо кўриниши бежирим бу машиналарнинг бир «лекини» бор. Уларнинг аксарияти ўз юртида талабга жавоб бермай қолган автоуловлар эканлиги сир эмас.

Учкўприк районидаги М. Деҳқонов номли жамоа хўжалиги аъзолари ҳам яхши кунларга хизмат қилсин, дея Япониянинг «Тойота» автобусини сотиб олишган эди. Афсуски, бу чиройли, пишиқ пухта автобуснинг двигателида жиддий нуқсон бор экан, у кўп ўтмай сафдан чиқди. Япон двигателини таъмирлашга эса на эҳтиёт қисм, на мутахассис ва на валюта бор...

Ярим йилча бекор турган чўғдай автобус хўжалик бош муҳандиси Расулжон Ғафуровни анча ўйлантирди, изландирди. Ниҳоят, у япон двигателининг тузилиши, техникавий хусусиятларини обдон ўрганиб чиққач, унинг ўрнига «МТЗ-50» трактори моторини мослаштириб ўрнатиш йўлини топди. Мослаштирилган мотор япон автобусида бинойидек жойига тушди. Машина юргизиб-синаб кўрилганда унинг техник хусусиятлари, ёғ-мой сарфи кўрсаткичларида мутлақо ўзгариш билинмади.

Айни кунларда трактор мотори ўрнатилган япон автобуси яна йўлларда ғизиллаб жамоа аъзоларига хизмат кўрсатмоқда. Янгиликни ўйлаб топган хўжалик мутахассислари япон машиналарига техника хизмати кўрсатиш устахонасин очишмоқда.

А. ИВОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН МАКТУБЛАР ИЗИДАН

ЧОРА КЎРИЛДИ

Редакциямизга мактуб йўллаган қашқадарёлик Юсуф Раҳматов Тошкент тайёрагоҳида фуқаролар билет олишолмаётгани, кассирлар эса, билетларни устама ҳақ эвазига навбатсиз пуллашаётганини ёзганди. Редакция ушбу хатни текшириш учун Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигига юборган эди. Вазирликнинг транспорт ички ишлар бошқармасидан қуйидаги мазмунда жавоб келди:

— Хатда келтирилган фактлар текширилди. Дарҳақиқат, ёз ойларида яъни дам олиш мавсумида Тошкентдаги ва республиканинг бошқа аэропортларида авиабилетларни ортиқча нархда сотиш ҳоллари содир бўлган. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида фақатгина Тошкент аэропортида йўловчиларни жўнатиш учун қўшимча ҳақ олган 11 киши қўлга тушди. Шулардан 10 киши жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳозирга келиб авиабилетларга бўлган талаб анча камайди. Улар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кассаларида бемалол сотилмоқда. Шунга қарамай, «Тошкент — Москва», «Тошкент — Ростов» маршрутлари бўйлаб учадиган самолётларга йўловчилар ҳамон кўп. Шуларни ҳисобга олиб, аэропортларда қонунчилик ва тартиб-интизомни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар кўрмоқдалар.

Президент Фармони — юрт дармони

Республикамиз истиқлолга эришганидан сўнг қишлоқ хўжалиги тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Бозор тизимлари асосида янги иқтисодий муносабатлар шаклланмоқда. Ижтимоий ўзгаришлар, деҳқон турмуш тарзи яхшиланиши, асосий ишлаб чиқариш воситаси — ерга бўлган соҳибларча муносабатда бўлиш жараёни тобора жадаллашмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва айни пайтда меҳнат аҳли турмуш шароитларини яхшилаб бориш борасида Ўзбекистон Президенти билан Вазирлар Маҳкамаси кўп иш қилишмоқда. Бу борада қатор Фармон ва қарорлар эълон қилиндики, булар одамларга ғамхўрликнинг ёрқин кўринишига айланаётир. Хўш, бу Фармонлар Ўзбекистон истиқлолга эришгандан кейинги ўтган бир йил давомида қандай бажарилди! Улар қишлоқ меҳнат аҳлига нималар беради!

ЭЗГУЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛИ

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ меҳнат аҳли турмуш шароитини яхшилаш юзасидан бир қанча Фармон ва қарорлар чиқаришди. Уларни амалга ошириш туфайли жумҳуриятимиз қишлоқларида аҳвол яхшиланаётир. Аҳоли яшайдиган жойларни ободонлаштириш, жумладан, хонадонларни ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. 1990 йилдан бери 2,4 минг километр узунликдаги водопровод қувурлари ётқизиб, ишга туширилди. Сўнгги икки йилда қишлоқлардаги 114 минг хонадонга табиий газ олиб кирилди. Бу билан газлаштириш даражаси 23 фоизга етди.

Бундан икки йил аввал Президентимиз «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида» Фармон чиқарган эди. Шу Фармон сабаб аҳолининг шахсий хўжалигида чорва моллари сони кўпайиб бораётир. Шу йилнинг олти ойи ичида республикамиз аҳолисига жамоа ва давлат хўжаликлари томонидан 354 минг тонна дағал хашак, 7,1 минг тонна ширали, 31,3 минг тонна кўк озуқалар сотилди. Бундан ташқари давлат манбаларидан шахсий хўжаликларга 3,3 минг тонна кунжара ва шрот, 157,9 минг тонна омухта ем, 4,7 минг тонна шелуха етказиб берилди.

Бироқ бу натижаларни ўтган йилнинг шу даврига солиштирсак, ҳозирги бу иш оқсаётганлигини кўриш мумкин. Чунончи, дағал озуқа 26 фоиз, кўк ўтлар 76 фоиз кам сотилди. Кучли ем сотиш ҳам камайди. Шахсий хўжаликларга дағал хашак сотишда Самарқанд ва Навоий вилоятлари, ширали озуқа сотишда Бухоро, Андижон, Тошкент ва Фарғона, кўк ўт сотишда эса Хоразм, Наманган вилоятлари бир оз яхши натижаларга эришган бўлсалар. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг давлат ва жамоа хўжаликлари сусткашлик қилаётирлар.

Кўриниб турибдики, шахсий хўжаликларга озуқа сотиш қониқарсиз олиб бориляпти. Бунинг асосий сабаби шуки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 июлдаги Фармойишига кўра давлат ва жамоа хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширган фермер ва шахсий хўжаликларгагина емхашак сотиш тавсия қилинган. Шахсий хўжаликлар эса ўзлари етиштирган маҳсулотнинг ортиқчасини хўжаликларга сотиш ўрнига бозорда сотишни афзал кўришяпти.

Шу йилнинг 1 июлига қадар республика аҳолисига салкам 19 минг бош қорамол, қарийб 119 минг бош қўйэчки, кўплаб чўчқа боласи ва жўжа сотилди. Бу ҳам ўтган йилгидан анча кам. Шахсий хўжаликларга қорамол сотиш Қорақалпоғистон Республикасида, Наманган, Тошкент, Хоразм ва Андижон вилоятларида яхши бормоқда. Бироқ Сирдарё, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида бу ишга яхши эътибор берилмаяпти. Аҳолига қўй ва эчки сотишда Наманган, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари, жўжа сотишда эса Сурхондарё, Андижон ва Жиззах вилоятлари олдинда.

Шу йилнинг олти ойи давомида шахсий хўжаликларда 1959 тонна гўшт (тирик вазнда), 5575 тонна сут, салкам 2 миллион дона тухум, 231,8 минг дона қоракўл тери тайёрлангани қувончлидир.

«Республика қишлоқ аҳолисий хўжаликларига ем-хашак сотиш ҳажмини ошириш, уларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида шахсий хўжаликларга ер ажратиш ва уларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида» Президент Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ, ҳозирги кунда республикамизда 1 миллион 230 минг гектар ер шахсий хўжаликларга ажратиб берилди. Бу деҳқон (фермер) хўжаликларига ер ажратиб беришда Навоий, Тошкент, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари намуна бўлишмоқда. Аммо шундай имкониятларга эга бўлган Қорақалпоғистон республикаси, Жиззах, Хоразм, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларининг жамоа ва давлат хўжаликлари сусткашлик қилишаётир. Хоразм вилоятида деҳқон (фермер) хўжаликларига атиги 1768 гектар, ёки ажратилган ер фондига нисбатан 16 фоиз миқдорда ер ажратилганлиги ачинарлидир. Бу кўрсаткич Сирдарё ва Бухорода — 19, Фарғонада — 10, Андижонда — 12 фоизни ташкил этмоқда, холос. Айрим районларда деҳқон (фермер) хўжаликларига заҳирадаги яроқсиз ерлар берилаётир. Ўзбекистон, Сайҳунобод, Гулистон, Ғазалкент, Поп, Паркент, Бўка районларида шундай қилинмоқда.

Деҳқон (фермер) хўжаликлари асосан жамоа ва давлат хўжаликлари қошида тузилиб, уларга шартнома асосида маҳсулот етказиб берилмоқда. Фермерларга эса ўз навбатида хўжаликлар томонидан ем-хашак, техника воситалари ва чорва моллари сотилаётир. Деҳқончиликсаноат банклари орқали уларга жами 121,9 миллион сўм узоқ муддатли қарз пуллари берилди. Шу йилнинг олти ойида фермерлар 2512 тонна гўшт, 17121 тоннадан зиёд сут ва 205 минг дона тухум етиштириб, унинг ярмини аҳолига келишилган нархда, бозордагидан арзонроқ баҳода сотишди.

Ҳа, эндиликда қишлоқ хўжалигида муҳим ўзгаришлар бўлаётир. Буйруқбозлик, маъмуриятчилик ўрнини ҳақиқий меҳнат эгалламоқда.

Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг деярли барча иқтисодий, ижтимоий масалалар ҳал этилмоқда. Биргина мисол: Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан зарар кўриб ишлаётган 300 хўжалик 900 миллион сўмлик қарздан озод этилди. Президентнинг республика қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўшимча қийматдан бюджетга солиқ тўлашдан озод қилиш ҳақидаги Фармони ҳам катта ғамхўрлик бўлди.

Фармон ва қарорлар кўпгина эзгу ишларни бажаришга имкон берди. Мен уларни эзгуликнинг истиқболли йўли, дегим келади.

Қўчқор КЕЛДИЕРОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Президент Фармонларини амалга ошириш бошқармаси бошлиғи.

Uberoi® GmbH
MERGERS & ACQUISITIONS · PRIVATIZATION
Advisor to the City of Moscow

• ЎЗБЕКИСТОН–ГФР: АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикасида рўй бераётган барча ўзгаришлар, шунингдек иқтисодий ислоҳот Ғарбий Европадаги ишбилармон доираларни ғоятда қизиқтирмоқда. Кеча Тошкентга келган Германия Федератив Республикасининг «Уберой Груп» фирмаси вакиллари республикамизда мулкни хусусийлаштириш масалалари билан қизиқишмоқда. Биз фирманинг директорлар кенгаши вакили жаноб Герд АДЕРХОЛЬД билан суҳбатлашдик.

— Доктор Герд, «Уберой Груп» фирмаси нима билан шуғулланади?

— Мамлакатимизда Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон Республикасидаги ижобий ўзгаришларни қизиқиш билан кузатмоқдамиз. Фирмамиз асосчиси жаноб доктор Р. Уберой Шарқ мамлакатлари хусусиятларини жуда яхши билади ва тушунади. Бу томонларда яшовчи халқлар турмуши ва ривожланиш йўлларини ўрганган. Унинг ўзи келиб чиқиши жиҳатдан ҳинду. Кўп йиллардан бери у асос солган фирма фаолияти Шарқ мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантиришга бағишланиб келмоқда. «Уберой Груп» фирмаси мана яқин ўн беш йилдан ортиқроқ вақтдан бери корхоналар ва кўчмас мулк савдоси ва хусусийлаштириш соҳасида ишламоқда. Биз Германиядаги Ҳомийлик Кенгаши (Тройхандансталът)нинг расмий маслаҳатчиси ҳисобланамиз. Бу Кенгаш 1991 йилдан бери собиқ ГДРда 12 минг давлат корхонаси хусусийлаштирилишини амалга оширди. Шарқий Германиядаги фаолиятимиз шуниси билан фарқ қиладики, бизнинг фирма энг мураккаб, сотилиши қийин корхоналарни хусусийлаштиради, айни чоғда бу масалада энг янги тешга тегмаган ечимларни қўлланади. Мисол учун, Кемница районидаги йирик тўқимачилик комбинати фирмамиз томонидан ҳинд сармояси ёрдамида хусусийлаштирилди.

1991 йилдан бошлаб биз Белорус ҳукуматининг расмий маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатмоқдамиз. Фирмамиз Белорус ҳукуматига хусусийлаштириш, хорижий сармоядорларни жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш масалаларида маслаҳатгўйлик ёрдамини кўрсатмоқда. Чет эл инвесторлари (сармоядорлари) билан ишлашда биз кўп йиллик тажрибамиз ва АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Жанубий-шарқий Осиё, Канада, Буюк Британия, Швеция, Швейцария, Франция, Испания, Италиядаги кўплаб фирмалар билан аъло даражада йўлга қўйилган алоқаларимиз яхши самаралар беряпти. Биз, албатта, МДҲнинг бошқа республикаларида хусусийлаштириш борасида йўл қўйилаётган хатоликларни яққол кўриб турибмиз. Уларни танқидий таҳлил этиб, жумладан хусусийлаштириш чеклари, акционерлаштириш ва фонд бозорини шакллантириш масалаларини ҳам ўрганиб борамиз. «Уберой Груп» фирмасининг муваффақияти ҳамкорлик тўловлари шартларини шерик учун қўлай ва фойдали йўлга қўйиш ҳисобига эришилмоқда.

— Жаноб Адерхольд, Ўзбекистонга келишдан мақсадингиз нима? Қандай режалар билан ташриф буюрдингиз?

— Фирмамиз раҳбариятидошмоқда. Биз мамлакатингизда хусусийлаштириш ўтказилиши жараёнида ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятлари, ўз ҳудудида асрлар бўйи яшаб келаётган анъаналари ҳисобга олиниши лозимлигини яхши тушунамиз.

Бугун Тошкентга «Уберой Груп» фирмасининг президенти ташриф буюради. Манфаатдор идоралар билан келишганимиздек фирма президенти учрашувларида қуйидаги масалалар муҳокама қилиниши кутилмоқда:

— Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг хусусийлаштириш дастурини маслаҳатлар билан қўллаб-қувватлаш, жумладан корхоналар, кўчмас мулк ва ер участкаларини жаҳон тажрибаси ҳамда Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиёти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш;

— Ўзбекистон Республикаси мулкчилик бўйича Давлат комитети ва давлат фонди учун кадрлар, шунингдек давлат мулкини баҳолаш, жумладан корхоналарнинг дастлабки кириш балансини таркиб топтириш бўйича мустақил аудиторлар тайёрлаш юзасидан қўшма дастур ишлаб чиқиш;

— Ўзбекистон Республикасини хорижий сармоядорларни жалб этиш, инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш ва саралаш тартиби юзасидан амалий маслаҳатлар билан қўллаб-қувватлаш. Шунингдек, фирма раҳбари ташрифи чоғида бошқа самарали таклифлар ҳам баён қилинади.

Фирмамиз фаолияти бўйича қизиқтирган саволлар билан «Уберой Груп»нинг Тошкентдаги вакили А. Сильвер жанобларига мурожаат қилиш мумкин. Унинг телефони: 56-40-80.

Суҳбатдош: А. АБДУБАННОПОВ.

МАСЛАҲАТ БЕРИШГА ТАЙЁРМИЗ

ҚУРОЛ ЯСОВЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

• *Ҳодиса*

● СЕНТЯБРЬ ойи бошларида Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси билан Ўзбекистон Миллий хавфсизлик қўмитаси вилоят бошқармаси ўз манбалари орқали «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг асбобсозлик цехида қонунга хилоф равишда қуроллар ишлаб чиқарилаётгани ҳақида маълумот олишди.

Иккала бошқарманинг биргаликдаги ҳаракат қилувчи махсус гуруҳи тузилди, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасига ярим тунда кириб борган гуруҳ ҳодимлари ҳайратда қолишди. Боиси — корхонанинг асбобсозлик цехида кўп миқдорда ва турли шаклдаги пичоқлар, ханжарлар ва ҳатто қиличлар бор эди. Цех устасининг тортмасидан эса тўппонча чиқди. Бу ерда тўппончалар ва унинг эҳтиёт қисмлари тайёрланган эди. Шу цехда ишлаб, қурол ясаш билан шуғулланган жиноятчилар қўлга олинди. Уларнинг ҳонадонлари текширилганида кўплаб қурол, портловчи ҳалталар, гиёҳвандлик моддалари топилди. Ҳозир қўлга олинган жиноятчилар устидан тергов ишлари бошлаб юборилди.

Муҳаммадрасул КИМСАНБОЕВ,
Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя бўлинмаси бошлиғи, милиция майори.

• *«МУСТАҚИЛЛИК — МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА*



Баҳтиёрлик. Содиқ МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.



Самарқанд сайёҳлар маскани. Содиқ МАҲКАМОВ олган сурат.

ОМАДИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ

Бизнинг ишбилармон ҳамкоримиз — «Наргиз» ҳиссадорлик (акционерлик) жамияти «Сирли олам» ойномаси ва унинг иловаси — «Қалб кўзи» обунаси учун ютуқли ўйин ўтказади. Агар Сиз нашрларимизга вақтида обуна бўлсангиз, омадингиз чопиб, қуйидаги ютуқларни қўлга киритиш имконига эга бўласиз:

— «Қуръон»нинг ўзбекча тафсири — 50 та;
— Рангли ойнаи жаҳон — 1 та;
— 500 сўмдан 50 та пул ютуғи;
— Чет эл қўл соати — 100 та;
— бир кўйлаклик хонатлас — 50 та;
— Бошқа ёдгорлик совғалари.

Ўйинда иштирок этишни хоҳлаганлар шу кунларда «Сирли олам» ва «Қалб кўзи»га ярим йил ёки бир йил учун обуна бўлиб, қуйидаги «Омад» варақасини тўлдиришлари ва унга обуна бўлганликлари ҳақидаги квитанцияни қўшиб, муҳарририятимизга жўнатишлари керак. Биз обуначиларга ютуқли ўйин иштирокчиси бўлганликлари ҳақидаги паттани қўшиб, ўн кун ичида манзилларига қайтарамиз (Мактубингизга маркали бўш конверт қўшиб юборишни унутманг).

Ютуқли ўйин қатнашчисининг «Омад» варақаси

Исми-шарифингиз

Манзилингиз

Ўйинда иштирок этишингиз учун белгиланган рақам (муҳарририят тўлдиради):

Ютуқли ўйинда ойномамиз ва иловамизга август-сентябрь-октябрь ойлари ичида обуна бўлганлар иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўйинга 1993 йилнинг биринчи чорагида якун ясалади. Эслатиб ўтамиз:

«Сирли олам» индекси: 75243.
Келгуси йилдаги нархи: обуначига — 13 с. 64 т.
сотувда — 15 с. 93 т.
Бир йиллик обуна нархи — 163 с. 68 т.
«Қалб кўзи» индекси: 64562.
Келгуси йилдаги нархи: обуначига — 3 с.
сотувда — 5 с.
Бир йиллик обуна нархи — 72 с.

«Наргиз» ҳиссадорлик (акционерлик) жамияти ва муҳарририятимиз Сизга чин дилдан омад тилайди!

«СИРЛИ ОЛАМ» МУҲАРРИРИЯТИ.

• *Спорт*

ҲУЖАЛИК ЎЙИНГОҲИДА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

● **ТОШКЕНТ вилоятининг «Политотдел» жамоа хўжалиги ўйингоҳида чим хоккей бўйича халқаро мусобақа ўтказилмоқда.**

Корея Халқ Демократик Республикаси, Қозоғистон ва майдон эгалари — «Политотдел» жамоаси хоккейчилари ўзаро куч синашмоқдалар. Колхоз хоккейчилари биринчи учрашувни Қозоғистон жамоаси билан ўтказиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Корея хоккейчилари билан ўйинда эса худди шу ҳисобда имконият бой берилди. Ҳозир Корея хоккейчилари учта очко билан олдинда боришмоқда «Политотдел» ҳисобида 2 та очко бор.

УРИНБОСАРЛАР МАВҚЕИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

● **БУГУН биринчи лига футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон миллий чемпионатининг навбатдаги учрашувлари ўтказилади.**

35 та очко билан биринчи ўринда бораётган «Политотдел» жамоаси «Зарангар» футболчиларини қабул қилади. 33 ва 32 тадан очко билан иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллаб турган «Бағдочи» билан «Шифокор» бу гал дам олишади. Пешқадамлар сафидан жой олишга ҳаракат қилаётган «Бахт», «Атласчи» жамоалари ҳам учрашувларни ўз майдонларида ўтказадилар. Биринчи лига футболчилари якунланиб бораётган мавсумни муваффақиятли тугатишга ҳаракат қилишмоқда.

САФАРДА ЭРИШИЛГАН ҒАЛАБА

● **ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА курашнинг тэквандо тури бўйича халқаро мусобақа ўтказилди.**

60 мамлакатнинг 600 дан кўпроқ вакили иштирок этган бу мусобақада мустақил Ўзбекистон полвонлари ҳам қатнашдилар. Жумладан, Ботир Мамедов билан Евгений Ли беллашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, совринли ўринларни эгаллашди.

• *Муштарий танқид қилади*

ЯНГИ БИНО ҚАЧОН ҚУРИЛАДИ?

Очиғини айтсам ҳар йили болаларимизни юрак ҳовучлаб мактабга юборамиз. Ҳаётирлигимизнинг боиси бор. Фарғона шаҳридаги 35-ўрта мактаб неча йилдирки, таъмирланишга муҳтож. Уқувчилар тўкилай деб турган синф хоналарида ўқишга мажбур бўлмоқдалар. Шу йил ўқув мавсуми бошланиши арафасида ота-оналар комитетининг раиси сифатида мактабнинг аҳволини кўздан кечирдим. Синф хоналаридаги тахта поллар, эшик ва деразалар ишдан чиққан. Ошхона ифлос. Бино деворлари дарз кетган.

Мактаб ремонти қўл учида бўлганлиги кўриниб турибди. Ҳаммаёқ бетартиб, чанг. Ситиш ускуналари ишдан чиққан. Мактабда таълим олаётган етти юздан ортиқ боланинг тўлақонли чуқур билим олиши учун етарли шарт-шароит йўқ. Ота-оналар комитети раиси сифатида шаҳарнинг собиқ ижроия комитети, вилоят ва шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳамда бўлими раҳбарларига янги мактаб биноси қурилиши, мактабга табиий газ келтириш хусусида кўп марта мурожаат этдим. Афсуски, улар ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти. Мактаб директори В. Абдуллаев ҳам жон куйдириб ҳаракат қилаётгани сезилмайди. Болаларимиз қачонгача авария ҳолатидаги бинода ўқишади?

Ҳали ҳам кеч эмас. Қишқировли кунлар келиб, совуқ бошлангунга қадар бинонинг иситиш тармоқларини яхшилаш, зарур таъмирлаш ишларини амалга ошириш, янги бино қурилишини бошлаб юбориш мумкин. Бунинг учун эса шаҳар раҳбарларидан жиддий жонкуярлик талаб этилади. Фарғона шаҳар ҳокими Х. Мамажонов бу ҳақда нима деркин?

Иброҳим СОДИҚОВ,
Фарғона шаҳар Оқариқ қишлоқ шўроси депутати.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ҳаво йўллари

ДАВЛАТ, ТИЖОРАТ КОРХОНАЛАРИ, ФИРМАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ҳаво йўллари авиакомпанияси

ТОШКЕНТ—ШАРЖА—ТОШКЕНТ

маршрутлари бўйича чартер юк рейсларини бошлайди.

Рейслар Ил-76 самолётида ойига икки марта (2 ва 4-ҳафтада) бажарилади.

Чоршанба куни кетилиб, пайшанба куни қайтилади.

Маълумотлар учун телефонлар: 33-75-86, 32-73-77.

АВИАРЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

1993 ўқув йили учун сиртқи бўлимга 9 (8) ва 11 (10) синф маълумоти ҳажмидаги шахсларни

Аэрофотогеодезия, картография мутахассисликлари бўйича

УҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати:
— 9 (8) синф маълумоти негизида — 4—6 ой.
— ўрта таълим негизида — 2 йилу 9 ой.

Аризалар 1 октябрдан 30 ноябргача қабул қилинади.

Ариза билан бирга маълумоти ҳақида ҳужжат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 086-У шаклидаги тиббиёт маълумотномаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат топширилади.

Кириш имтиҳонлари потоклар бўйича 1 ноябрдан 15 декабргача, математика (оғзаки) топширилади.

9 (8) ёки 11 (10) синфларни, шунингдек, ўрта маҳсус билим юртларини 4 ва 5 баҳолар билан тугатганлар иш йўналишлари танланган мутахассисликларига тўғри келадиган бўлса, унда суҳбатдан сўнг кириш имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинадилар.

Қабул қилиш муддати — 16 декабрдан — 25 декабргача. Ўқув йили 2 январдан бошланади. Таълим рус тилида олиб борилади.

Техникум манзилгоҳи: 700125, Тошкент шаҳри, Улуғбек райони, М. Горький шох кўчаси, 82-уй. Телефон: 62-58-34.

17, 83, 71-автобуслар, 6, 13, 22-трамвайлар, 9, 18-троллейбусларнинг «Маданият институти» бекати.

МАРҒИЛОН ТРАКТОР ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ

«КАМАЗ» автомашинаси моторига эҳтиёт қисмлар: (двигателига) 1000128, 1002011 дан 1009050 гача, 1011014 дан 1017350 гача, 1022820 дан 1029286 гача, 1104300 дан 1318174 гача группаларини

СОТАДИ

Манзилгоҳимиз: Марғилон шаҳри, Н. Холматова кўчаси, 174-уй.

АГРОСАНОАТ ТАРМОҒИ РАҲБАРЛАРИНИНГ

ДИҚҚАТИГА!

Болалар уйлари ва мактаб-интернатлар уюшмасининг хўжалик ҳисобидаги «Орзу» фирмаси Владивосток шаҳридаги масъулиятли чекланган «Ўзбекистон» ўртоқчилик уюшмаси билан ҳам таъсисликда иштирок этди.

Ўртоқлик:

— Узоқ Шарқ бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишга кўмаклашади;
— тижорат—ахборот хизмати кўрсатади;
— бизга мурожаат қилиб, Сиз ўз маҳсулотингизни қулай жойлаштира оласиз, маҳаллий рэкетчилар хавфидан холи бўласиз, ҳар мавсумда бозордаги нарх-наводан ҳамда қайси маҳсулотга эҳтиёж катталигидан хабардор бўласиз.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Байналмилал кўчаси, 3.

Телефон: 45-39-50.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ
● ШАРОФ РАШИДОВ — ЧЎЛҚУВАРЛАР ҚАЛБИДА.
● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА
● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР
● ТЕЛЕВИЗОРЛАР БУХОРОДА ИЙҒИЛАДИ

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—20.30.
Г—340 № 182. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.